

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 164 (686), 2022 йил 13 август, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЎРТТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ



Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли ҳаёти ва йирик саноат лойиҳалари билан танишиш мақсадида 12 август куни Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларни тубдан янгилаш ва модернизация қилиш бўйича тинимсиз ишлашлар олиб борилмоқда. Бирор-бир йўналиш ёки тармоқ йўқки, халқимиз ҳаётини яхшилашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар кириб бормаган, унинг мазмунини ўзгартирмаган бўлса.

Янги Ўзбекистоннинг янги қиёфасини, халқимизнинг том маънодаги замонавий тарихини барпо этиш йўлида улкан марралар олинди. Натижада инновацион иқтисодий ривожлантириш, саноатга юқори технологияларни жорий этиш, қулай инвестициявий муҳитни яратиш йўлида янги-янги имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Бекобод шаҳрининг иқтисодий-ижтимоий ривожда Ўзбекистон металлургия комбинатининг ўрни катта. Унинг таркибда ўнлаб корхоналар, ижтимоий муассасалар бор. Комбинатда 11 минг киши ишлайди.

Шу боис, унинг фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сунги йилларда қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, янги цехлар ишга туширилди, борлари модернизация қилинди.

Улардан бири — навли прокат мажмуаси. Қарийб 5 миллион долларлик лойиҳа эвазига бу ерга хориждан термо-мустаҳкамлаш линияси келтирилиб, жорий йил февралда ишга туширилди. Бу орқали йилига 500 минг тонна А500-А800 маркали арматура ишлаб чиқариш қуввати яратилди.

Давлатимиз раҳбари комбинатга ташрифи чоғида ушбу мажмуани кириб кўрди, лойиҳанинг иқтисодий самардорлиги билан қизикди.

Аввало, термо-мустаҳкамлаш жараёнида кимёвий моддалар тежалгани ҳисобига арматура таннархи камайган. Йилига 300 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш ҳисоб-китоб қилинган.

Яна бир муҳим жиҳати, бу арматура халқаро DIN стандарти сертификатини қўлга киритган. Энди ушбу маҳсулотни Европада экспорт қилиш режалаштирилган.

Президент комбинатдаги яна бир муҳим лойиҳа — Қунов прокат мажмуасининг қурилиш майдонида бўлди.

672 миллион евролик ушбу лойиҳа натижасида йилига 1 миллион тонна пўлат листлар ишлаб чиқариш йўлга қўйлади. Мазкур лойиҳа ишга тушгач, комбинат қувватлари 2 баробарга ошади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли қурувчи бунёдкорлар!

Мухтарам фахрийлар!

Аввало, сиз, азизларни мамлакатимизда кенг нишонланаётган қўлғи касб байрамининг — Қурилиш соҳаси ходимлари кўни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий тилакларимни билдираман.

Маълумки, мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашда мазкур соҳа ходимлари — моҳир қурувчи ва меъморлар, механик ва мураккаб техникаларни бошқараётган инсонлар, лойиҳачи ва дизайнерлар, қурилиш саноати вакиллари ва пудратчиларнинг меҳнати ҳамиша муҳим ўрин тутиб келади.

Айниқса, ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида катта қурилиш ва обodonлаштириш ишлари жадал олиб борилаётган, мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланган ҳозирги кунда сизларнинг масъулиятли ва шарафли меҳнатингиз кўлами ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Сизларнинг тимсолнингизда шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун юртимизда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари, муҳим ижтимоий объектлар, замонавий уй-жойлар, йўл ва кўприklar барпо этиб, ҳаётимизни янада гўзал ва обод қилишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётган олжанов касб эгаларини кўрамыз.

Ушбу қувончли айёмда сизларни Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида эъозлаб, шаънингизга энг юксак таъриф ва тилакларимизни изҳор этамиз, фидокорона меҳнатингиз учун чин дилдан ташаккурлар айтамыз.

Қадрли дўстлар!

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида барча ислохотларимиз марказига инсон қадрини, унинг ҳаётли манфаатларини таъминлаш бош мақсад қилиб қўйилаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Ана шундай улғувор вазифани амалга оширишда бошқа соҳалар қатори қурилиш соҳаси, унинг улкан имкониятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Соҳада олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида аҳоли пунктларини қуришга комплекс ёндашув, уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунинг амалий тасдиғи сифатида 2022 йилги Инвестиция дастури бўйича 1 минг 868 та ижтимоий объектда кенг кўламли қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, лойиҳалари жойлардаги аҳоли билан бамаслаҳат ишлаб чиқилган “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳақида алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Ушбу номдаги жами 29 та массивда 21 минг 312 хонадонга мўлжалланган 619 та замонавий уй-жой, шунингдек, ўнлаб янги мактабга таълим ташкилотлари

ҳамда умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари барпо этилаётганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бу борада кўп қаватли уйлар ҳамда муҳандислик-транспорт коммуникациялари, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилаётгани, келгуси беш йилда 250 мингдан зиёд оила замонавий қулайликларга эга бўлган уй-жойлар билан таъминланиши албатта барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, аҳолини арзон ва сифатли турар-жой билан таъминлаш дастурлари доирасида намунали кўп қаватли уйлар атрофида маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа масканлар барпо этилаётгани, “Обод қишлоқ” дастури бўйича 413 та маҳалланинг бош режаси ишлаб чиқилаётгани инсон ҳақидаги эътибор ва ғамхўрликнинг амалий намунасидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Масалан, уй-жойлар учун қурилиш материалларининг 95 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса янги турар жойларнинг сифатли ва мустаҳкам, таннархи арзон бўлишини таъминлайди, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Мухтарам юртдошлар!

Бугун замоннинг ўзи қурилиш соҳасида ҳам янада муҳим ва долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда. Хусусан, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқларни туман марказлари билан боғлайдиган замонавий йўллар қуриш, намунавий лойиҳалар асосида янги боғча ва мактаблар, оилавий поликлиникалар барпо этиш, бозор инфратузилмаси объектлари ва сервис шохобчаларини кўпайтириш, аҳоли ва пудрат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектларини қурилиш материаллари билан марказлашган ҳолда таъминлаш бўйича самарали тизим яратиш, қурилиш бозорини янги инновацион хизматлар билан тўлдириб бориш, соҳа учун юқори маалакали кадрлар тайёрлаш бора-сида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ишончим комил, ўз ишининг чинакам устаси бўлган моҳир қурувчилар ва мутахассислар, соҳада меҳнат қилаётган барча инсонлар ўзларининг бор куч-ғайрати, билим ва тажрибасини ана шундай улкан вазифаларни муваффақиятли адо этишга сафарбар этиб, бундан бун ҳам эл-юртимизга сидқиқ дилдан хизмат қиладилар.

Ўз навбатида, давлатимиз сизларнинг янада самарали фаолият кўрсатишингиз, мамлакатимиз қурилиш соҳаси салоҳиятини ошириш учун келгусида ҳам зарур шароит ва имкониятларни яратиб беради.

Сиз, азизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик, оилавий бахт ва хонадонларингизга кўт-баракат тилайман.

Қўлингиз ҳеч қачон дард кўрмасин, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азиз бунёдкорлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Замонавий билим олиш ҳамда меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-ҳунар эгаллаш истагида бўлган ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар яратиш, улғайиб келаётган ёш авлодининг интеллектуал ҳамда касбий маҳоратини ривожлантиришга бўлган интилишларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жорий йил 30 июнь — Ёшлар кўни муносабати билан ҳамда 29 июль кўни ахборот технологиялари соҳасидаги мутахассислар билан бўлиб ўтган учрашувларда илгари сурилган янги ташаббус ва ғояларни амалга ошириш мақсадида:

1. **2022 йил 1 октябрдан** бошлаб нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ёшларнинг ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олиши учун таълим кредити ажратиш тизими йўлга қўйилсин.

Белгилансинки:

а) тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилаётган депозитлар ҳисобидан ахборот технологиялари

соҳасида таҳсил олиш учун таълим кредитларини **Марказий банкнинг асосий ставкасида** ажратади;

б) нодавлат таълим ташкилотларининг ўқув курсларида ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олиш учун ёшларга таълим кредити:

базавий ҳисоблаш микдорининг **65 бараваригача** микдорда **1 йиллик имтиёзли давр** билан **4 йил муддатга** Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган ёшларга ажратилади; расмийлаштирилиши ва унинг қайтарилишида кредит олувчининг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари ва бошқа учинчи шахслар биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашишига рухсат этилади;

в) **“Ижтимоий ҳимоя ағона реестри”**га кирган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олишга ажратилаётган таълим кредити учун гаров ва кафилилик талаб этилмайди;

г) ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олиш учун ёшларга таълим кредити **Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технопарк** (кейинги ўринларда — **IT-парк**) **резиденти** бўлган ташкилотларнинг ўқув курсларида **таълим олиш** учун ажратилади. Бунда, ахборот технологиялари соҳасида таълим берувчи резидент ташкилотлар реестри IT-парк томонидан электрон ахборот тизими шаклида юритилади ҳамда зарур ҳолларда тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан интеграция қилинади.

2. Ахборот технологиялари соҳасида таҳсил олиши учун таълим кредитлари бўйича тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлаш:

2022 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига (кейинги ўринларда — **Жамғарма**) ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИГА



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЧА БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИ

Замонавий ва мухташам уйлар, қулай инфратузилма. Одамларнинг эмин-эркин ва тўқис ҳаёт кечириши учун яратилган шарт-шароитлар. Бугун “Янги Ўзбекистон” массивларига шундай таъриф берсак арзийди. Зотан, шахсан давлатимиз раҳбари ғояси ва ташаббуси билан бунёд этилаётган бундай массивларда инсон манфаати, унинг қадрлари ҳар нарсадан устун экани намоён бўлади.

Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришни кўзлаган мамлакатимиздаги ислохотларнинг бир қисми бўлган ушбу бунёдкорлик жараёни барчамиз учун энг улуг ва азиз байрам — мустақиллигимизнинг 31 йиллиги шори бўлган **“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”** деган ғояга тўла мос келади. Бинобарин, элини, одамларини азиз билган, қадрлаган юртда бундай эзгу мақсадли ҳаракатлар ҳеч

қачон тўхтамайди. Аксинча, янги кўриниш, янги ҳаёт ва кайфият, янги куч ва ғайрат асосида изчил давом эттириллаверади.

Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳадаги ишларни юқори босқичга олиб чиққан ҳужжатлар сирасидан бўлди, десак айни ҳақиқат.

Чунки ушбу фармон туфайли ўша йилнинг ўзидаёқ Фарғона вилоятининг Бағдод туманида илк тамал тоши қўйилган “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши жорий йилга келиб янада кенгайди. Бошқача айтганда, яхши ният, эзгу мақсад кўлами бутун юртимиз бўйлаб ёйилди.

“Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилмоқда. Бунда кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш ости ер участкалари тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн аукцион орқали ижара ҳуқуқи асосида реализация қилинади.

Давоми 3-бетда

МЕТАЛЛУРГИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЎРТТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Бугунги кунда мажмуа учун темир йўл ва автомобиль йўли қурилиши якунланиб, темир-бетон конструкциялари ўрнатилмоқда. Италиянинг “Danieli” компанияси томонидан зарур ускуналар келтирилмоқда. Уни 2024 йилда ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари буни жадаллаштириш ва корхонани кафолатланган хомашё билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

— Ўз вақтида бу комбинат учун 800-900 минг тонна иккиламчи қора металлни қайта ишлаш етарли эди. Лекин бугунги кунда

иқтисодиётимизда қора металлга бўлган талаб 4 миллион тонна. Унинг ҳам 50 фоизи импорт ҳисобидан қопланмоқда. Шунинг учун бу корхонани тезроқ ишга туширсак, иқтисодиётимизга катта манфаат беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳада иштирок этаётган Туркиянинг “Renaissance Heavy Industries” ва Италиянинг “Danieli” компаниялари раҳбарлари билан ҳам суҳбатлашди.

Шундан сўнг Ўзбекистон металлургия комбинатида ушбу соҳани ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ушбу комбинат илгари мамлакатимизда қора металлургия соҳасидаги ягона корхона эди. Сўнгги беш йилдаги ислохотлар натижасида 200 та янги корхона ташкил этилди. Уларда 25 мингдан зиёд аҳоли меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида соҳада 16 триллион сўмлик товарлар тайёрланган. Темир ва темир маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,8 баробар ўсиб, 2 миллион тоннадан кўпайган.

Шу билан бирга, юртимизда бунёдкорлик ишлари, саноат лойиҳалари ҳали кўп. Бугунги кунда барча соҳаларда йилига 4 миллион тонна қора металл ишлатилмоқда. Хусусан, металлга кетадиган харажатлар улуши ўй-joy қурилиш таннаҳида 15 фоизни, машинасозликда 40 фоизни ташкил қилмоқда.

2026 йилга бориб, мамлакатимиз иқтисодиёти эҳтиёжлари учун 6 миллион тоннага яқин металл керак бўлиши ҳисоб-китоб қилинган. Қолаверса, жаҳон

иқтисодиётидаги мураккаб вазият, логистика занжиридаги узилишлар йирик металлургия корхоналари фаолиятига ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу шароитда фақат ўз металлургия саноатимизни жадал ривожлантириш орқали мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлади. Бу борадаги тўртта асосий вазифа кўрсатиб ўтилди.

Биринчиси — металл ишлаб чиқарувчи корхоналарни хомашё билан кафолатли таъминлаш. Иккинчиси — барча ҳудудларда металл ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил бўлишини қўллаб-қувватлаш. Учинчиси — юқори қўшилган қиймат яратадиган саноат тармоқлари учун замонавий металл конструкциялар ишлаб чиқариш. Тўртинчиси — малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фан ва инновацияни ривожлантириш.

Бош вазир маслаҳатчиси Б.Исломов мамлакатимизда 1 миллиард 200 миллион тонна темир рудаси захиралари борлигини қайд этди.

Янги конларда, шу жумладан, Қораўзақдаги “Тебинбулок” қонида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Иккинчи масала ҳақида сўз борар экан, соҳадаги корхоналарни ривожлантириш ва уларнинг негизда саноат кластерларини ташкил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Президент ҳудудлардаги шундай корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилди. Уларнинг импорт қилинадиган металл хомашёси ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган ускуналарни божхона божидан озод қилиш, хорижлик малакали мутахасссларнинг юртимизда ишлаши учун соддалашган виза бериш тақлифларини кўриб чиқишга мутасаддиларга кўрсатма берди.

Учинчи йўналишга кўра, келгуси йилда 500 миллион долларлик маҳсулотларни маҳаллийлаштириш вазифаси қўйилди. Мутасаддилар бу борада 204 та лойиҳа тақлифи ишлаб чиқилганини маълум қилди. Бу йўналишни қўллаб-қувватлаш мақсадида маҳаллийлаштирилган янги маҳсулотлар давлат корхоналари томонидан кафолатли харид қилиниши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари соҳада таълим ва илм-фанни ривожлантириш учун “Ўзметкомбинат”да Металлургия илмий марказини ташкил этиш, Геология университетида қора металл илмий лабораторияси, Навоий қончилик ҳамда Тошкент техника университетлари қошида технопарклар очиб тақлифни билдирди. Шунингдек, нуфузли хорижий компаниялар ва инжиниринг марказларида ёш мутахассслар малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида вилоят ҳокимлари, кон-металлургия комбинатлари жамоаси, тадбиркорлар ва хорижий ҳамкорлар иштирок этди.

Шавкат Мирзиёев Бекобод шаҳрига ташрифи давомида “МеталлурҒ” футбол клуби қошидаги “El Golazo” футбол академиясида ҳам бўлди.

Ушбу мактаб Испаниянинг таниқли “Реал Мадрид” клуби жамғармаси кўмағида ташкил этилган бўлиб, ўтган йили октябрда фаолият бошлаган. Табиий ва сунъий чимли стадионлар, фитнес зали, ўқув бинолари ва ётоқхонада замонавий шароитлар яратилган. Ўқув-машғулотлари “Реал Мадрид” футбол клуби аъналарига мос равишда олиб борилади. Мураббийларнинг уч нафари испаниялик.

Бугунги кунда академияда 200 нафардан ортик ўқувчи сабоқ олмақда. Бу ерда ўқиш истагидаги ёшлар кўп. Шу

боис, 11 ёшдан 17 ёшгача болалар танлов асосида қабул қилинади. Яқинда 48 нафар иқтидорли тарбияланувчи Испанияда маҳорат ошириб келди.

Давлатимиз раҳбари академияда яратилган шароитларни кўздан кечирди, болалар билан суҳбатлашди.

— Шундай замонавий шароитларда ўқийётганингиз, ёниб турган кўзларингизни кўриб, хурсанд бўлдим, — деди Президент. — Келгусида сизлардан машҳур футболчилар, чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман. Ёнг муҳими, соғлом бўлиб улғаясиз, фарзандларингизни ҳам спортга ошно қилиб тарбиялайсиз. Мақсадимиз — ёшлар ўртасида ана шундай муҳитни шакллантириш.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу футбол мактаби тажрибасини оммалаштириш бўйича кўрсатма берди.

Бекободлик нурунийлар, секторлар раҳбарлари, ҳоким ёрдмчилари, ёшлар етакчилари ва хотин-қизлар фаоллари билан ҳам санимий суҳбат бўлди. Янги “маҳаллабай” тизимини жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, фуқаролар муаммоларини ҳал қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида фикр алмашилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бекобод шаҳрига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Ўза мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

келгуси йилларда эса ҳақиқий талабдан келиб чиқиб Жамғармага зарур маблағлар ажратилади.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларининг суровларига асосан уларга Марказий банкнинг асосий ставкасида ахборот технологиялари соҳасида ёшлар тахсил олишига таълим кредити ажратиш учун мазкур ставкадан **4 фоиз бандга паст бўлган ставкада** депозит жойлаштиради;

Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда депозит маблағлари ва ахборот технологиялари соҳасида ёшларнинг тахсил олиши учун таълим кредити бўйича **фоиз ставкаси** мутаносиб равишда **пасайтирилади, оширилган** тақдирда эса **ўзгаришсиз қолади**.

4. АТ “Халқ банки”, АТ “Алоқа банк” ва “Микрокредитбанк” АТБнинг **2022 йил 1 ноябрдан** бошлаб **IT-парк резиденти** бўлган ташилотларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги **ўқув курсларида** тахсил олаётган **иштирокчи сертификатини** олган ёки ушбу ўқув курсларини **сўнгги 6 ойда муваффақиятли тамомлаган ёшларга компьютер** (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) **харид қилиш** учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 бараваридан** кўп бўлмаган миқдорда **истеъмо**л кредитлари ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Бунда: компьютер харид қилиш учун ажратиладиган истеъмол кредитлари бўйича **фоиз тўловларининг** Марказий банк асосий ставкасининг **1,5 бараваригача** қисми Ёшлар ишлари агентлигининг **Ёшларга оид давлат сийсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Ёшларга оид давлат сийсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси) ҳисобидан **компенсация** қилинади; сертификатларнинг ягона электрон реестри IT-парк томонидан юритилади.

5. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандлари бўлган ҳамда “**Ёшлар дафтари**”га кирган ёшларга 2023 йил 1 августга қадар “**Бир миллион дастуричи**” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ва сертификат олган ҳолда, шунингдек, мазкур қарорнинг **4-бандида** кўзда тутилган тартибда **компьютер харид қилиш мақсадида кредит олиш** учун Ёшларга оид давлат сийсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан **кафиллик бериш** тизими жорий этилсин.

Ёшлар ишлари агентлиги Молия вазирлиги, Марказий банк ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар мазкур бандда кўзда тутилган кафиллик бериш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 августга қадар нодавлат таълим ташилотларининг ўқув курсларида ахборот технологиялари соҳасида тахсил олиш учун таълим кредити ажратиш, шунингдек, мазкур қарорнинг 4 ва 5-бандларида назарда тутилган тартибда молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлиги юзасидан ўрганиш ўтказиб, Вазирлар Маҳкамасига тегишли тақлифлар киритсин.

7. Молия вазирлиги:

а) Ёшлар ишлари агентлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга ахборот технологиялари соҳасида тахсил олишга ажратилган таълим кредити бўйича юзага келадиган кредит тавakkалчилигини Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тақсимлаш;

Жамғарма ҳисобидан нодавлат таълим ташилотларининг ўқув курсларида ахборот технологиялари соҳасида ёшларнинг тахсил олиши учун тижорат банкларига таълим кредитлари учун депозит жойлаштириш;

нодавлат таълим ташилотларида ахборот технологиялари соҳасида тахсил олаётган ёшларга ўқув курсларида таълим олиш тўловлари учун кредит ажратиш;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун маблағлар ажратишда тижорат банкларига қўйиладиган мувофиқлик мезонларини ўрнатиш;

б) мазкур қарорда кўзда тутилган ахборот технологиялари соҳасида тахсил олиш учун таълим кредити, “Бир миллион дастуричи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга ҳамда IT-парк резиденти бўлган ташилотларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган ёки иштирокчи сертификатини олган ёшларга компьютер харид қилиш мақсадида истеъмол кредитлари бўйича **фоиз тўловларини компенсация қилиш** учун зарур маблағларнинг 2023 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида ўрнатилган тартибда назарда тутилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик

фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6208-сон Фармонининг 7-бандига мувофиқ Ёшларга оид давлат сийсатини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратилган маблағларни мазкур қарорнинг 4-бандига асосан истеъмол кредитлари бўйича **фоиз тўловларини компенсация қилиш** ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг бошқа мақсадларига йўналтиришга рухсат берилсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Марказий банк билан биргаликда бир ой мuddатда мамлакатимиз аҳолисининг таълим олиш, меҳнат қилиш ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Қонунига Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган товарлар (хизматлар)га истеъмол кредити ажратилиши тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда ёшларни замонавий билим олиш ҳамда касб-ҳунар эгаллашга жалб этиш бўйича оммавий ахборот воситалари ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғида мунтазам равишда тарғибот ишларини амалга оширсин.

11. Ёшлар ишлари агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазирлиги Т.А.Ишметов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ш.Ҳ.Шерматов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З.Саъдуллаев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирли А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 август

Ш. МИРЗИЁЕВ

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?

12 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида лойиҳани янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Қонун тартибидеги масала юзасидан парламент қўйи палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ж.Шаринов ахборот берди. Таъкидланганидек, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб шароит яратиш Конституцияимизнинг бош мақсади ҳисобланади. Конституциявий қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятида ҳам “Инсон — жамият — давлат”, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилларни конституциявий қоида сифатида муҳрлаш, халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш вазифаси устувор аҳамият касб этади. Зеро, Асосий қонунимизнинг ҳар бир моддаси фуқаролар учун дастуриламалга, ҳаётимиз қоидасига айланиши лозим.

Шу боис, қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси давомида Конституциявий комиссия ҳамда масъул қўмиталар томонидан Бош қонунимизни янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, вазирлик, идора ва ташилотлар, туман ва шаҳарларда Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлари, сенаторлар, сиёсий партиялар иштирокида 20 мингта яқин тадбир ташкил этилди. Умумхалқ муҳокамаси доирасида 150 мингдан ортик тақлиф келиб тушди. Шунингдек, қонун лойиҳаси қўйи палатанинг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталари қўшма йиғилиши, сиёсий партиялар фракциялари йиғилишида муҳокама қилинди.

Умумхалқ муҳокамаси давомида мутахассслар, экспертлар, жамоатчилик, ОАВ вакиллари иштирокида қарийб 40 маротаба масъул қўмиталар мажлиси ўтказилди. Тақлифлари долзарб ва аҳамиятли бўлган муаллифлар билан учрашувлар ташкил этилиб, улар берган тақлиф бевосита ўзининг иштирокида муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, хориждаги сиёсий доиралар ва етакчи экспертларга конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етакзиш бўйича АҚШ, Буюк Британия, Швейцария, Польша, Япония, Корея, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Хитой каби давлатларда конференция, давра суҳбат-

лари ва бошқа тадбирлар ташкил этилди. Мазкур тадбирларда иштирок этган экспертлар мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларни юқори баҳолаб, ўз тақлифларини билдирди ва бу борадаги Ўзбекистоннинг тутган йўлини қўллаб-қувватлади.

Ҳозирги кунда ҳар бир тақлиф ва экспертиза хулосалари экспертлар, мутахассслар, олимлар, сиёсатчилар иштирокида чуқур ва атрофлича муҳокама қилинмоқда. Масъул қўмиталар келиб тушган тақлифларни чуқур таҳлил қилиб, уларни лойиҳа матнида акс эттириш устида иш олиб борапти.

Мажлисида халқ вакиллари Конституциявий комиссия ва масъул қўмиталар томонидан амалга оширилаётган ишларни эътироф этган ҳолда, халқимиз асослантирилган, ўйлаб таҳлил қилишга мажбур қиладиган қўллаб тақлифларни бераётганини ва бундай тақлифларни эътиборсиз қолдириш ёки уларга юзаки ёндашиш мумкин эмаслигини билдирди. Масалан, “снос” муаммоси ҳали ҳам учраб тургани, бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш, мулк дахлсизлигини амалда тўлиқ таъминлаш мақсадида Конституциявий қонун лойиҳасига қандай янги тақлифлар келиб тушгани ва уларни лойиҳада акс эттириш масалалари муҳокама қилинди. Қолаверса, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш юзасидан келиб тушган тақлифлар бўйича фикр алмашилди.

Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича бундан буён келиб тушадиган тақлиф ва мулоҳазаларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ кўриб чиқишни таъминлаш, мазкур жараёни очиқлик ва ошқоралик тамойиллари асосида ташкил этиш, маромига етказилган Конституциявий қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш лозимлиги таъкидланди.

Қизгин ўтган мажлисида Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари асосида уни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақидаги Ж.Шаринов ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

**Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Янги Ўзбекистоннинг янгича бунёдкорлик салоҳияти



Ботир ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қурилиш вазири

Бошланиши 1-бетда

Кўп қаватли уй-жойларга туташ ер участкалари уй-жой қуриб битказилганидан кейин маҳаллий ижроия ҳокимлик органи тегишли қарори билан кўп қаватли уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратиб берилади. Массивларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш учун ер участкалари тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда электрон онлайн аукцион орқали мулк ва ижара ҳуқуқлари асосида реализация қилинади. Пировардида, биргина жорий йилнинг ўзида 29 та маҳаллада 21 минг 312 хонадонли 619 та уй қад ростлайди. Улар атрофида 18 та умумтаълим мактаби, 24 та мактабгача таълим ҳамда 15 та тиббиёт муассасаси барпо этилади. Демак, “Янги Ўзбекистон” массивларида яшовчи аҳоли учун бирламчи зарур инфратузилмалар шу ернинг ўзида муҳайё этилади.

Бир сўз билан айтганда, “Янги Ўзбекистон” массивлари комплекс ривожланиш тамойили асосида барпо этилмоқда. Бу давлатимиз раҳбари томонидан такорор-такор айтилаётган жиҳат ва биз, қурувчилардан ҳам шу нарса талаб қилинмоқда. Айтиш кераки, жорий йилдан бошлаб цемент ишлаб чиқарувчилардан фойда солиғи 20 фоиздан 15 фоизгача, ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқ 2 баробар камайтирилгани, шунингдек, цемент импорти учун имтиёзлар мuddати яна бир йилга узайтирилган уйлар нархи сезиларли тушишига сабаб бўлади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 300 мингга яқин никоҳ қайд этилади. Келгуси беш йилда аҳоли сони 38 миллионга етиши кутилмоқда. Шулар ичига олинган ҳолда, уй қуриш кўлами кенгайтириб борилиши диққатга сазовордир. Ҳар бир ҳудудда барпо этиладиган “Янги Ўзбекистон” массивлари ҳам бунда муҳим ўрин тутади, албатта. Келгуси беш йилда шундай массивларда 250 мингдан зиёд оила уй билан таъминланади. Бундан кўринадики, Президентимиз томонидан қурилиш-бунёдкорлик соҳасига катта эътибор қаратилаётгани, хусусан, “Янги Ўзбекистон” массивларини бунёд этиш жараёни жиддий назорат қилиниб, одамларга ҳар томонлама маъқул этиб қуриш талаби қўйилаётгани мамлакатимизда инсон манфаати нақадар улуғ ва у ҳар қанча эҳтиромга лойиқ эканидан далолатдир. Зотан, уй — ватан ичиди “кичик ватан”. Одамлар Ватанида эркин ва бахтли ҳаёт кечиришга ҳақлидир.

Даврга мос ривожланаётган соҳа

Мамлакат тараққиётини белгилловчи омиллар кўп. Шулар орасида қурилиш соҳасининг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, тинч-осойишта, жадал ривожланаётган ва мақсаду марраларни юқори олган, келажаки уйлаган давлатдагина бунёдкорлик ишларида катта эътибор қаратилади. Шукрки, Ўзбекистон шундай мамлакат. Бундай эзгу мақсадли ишларнинг бошида давлатимиз раҳбари турибди.

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, шаҳар марказларида катта-катта иморатлар барпо этиляпти. Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишламоқда. Айниқса, аҳолини арзон ва қўлай турар жойлар билан таъминлаш бўйича мақсадли дастурлар

доирасида намунали кўп қаватли уйлар, маданият ва санъат марказлари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар қуриляпти, булар ён-атроф инфратузилмасини яхшилашга ҳам хизмат қиляпти.

Президентимизнинг тегишли фармони асосида 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кўни сифатида нишонлаб келинаётгани эса нафақат соҳа ходимлари меҳнатини қадрлаш, балки тармоқдаги ислохотлар бардавом эканидан далолатдир.

Кейинги йилларда юртимизда қўлаб уй-жойлар, таълим муассасалари, шифохоналар, йирик заводлар, йўллар ва кўприklar қурилди. Соҳа учун зарур ашёларни ўзимизда ишлаб чиқариш ўзлаштириляпти. Натижада қурилиш жараёни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминляпти. Ваҳоланки, илгари бундай имкониятлар йўқ эди.

Бундан тўрт-беш йил аввал мамлакат бўйлаб замонавий “сити”лар қурилади, деса ҳеч ким ишонмасди. Мана, бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам замонавий шаҳарчалар бунёд этилди ва бу жараёнлар давом этипти.

Бугун ҳар бир вилоятда шундай улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Булардан англаш мумкинки, Ўзбекистонда йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, осмонўпар биноларни тез ва сифатли барпо этишга қодир бўлган қурилиш индустрияси шаклланди, соҳа ходимларининг тажрибаси, малакаси юксалди. Хуллас, Янги Ўзбекистоннинг қурилиш тизими янги даврга мос ривожланиб бормоқда.

Статистикага кўра, мамлакатимизда қурилиш ишлари қиймати 2010 йилда 8,2 триллион, 2012 йилда 11,7 триллион, 2014 йилда 20,1 триллион, 2016 йилда 29,4 триллион, 2018 йилда 51,1 триллион, 2020 йилда 88,1 триллион сўмдан иборат бўлган бўлса, жорий йилнинг май ойи якуналари бўйича 45 триллион сўмни ташкил этди. Демак, бугунги кунда юртимизда бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб, архитектура ва қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланиб бормоқда.

Булар ҳаммаси эмас. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли юз бераётган ўзгаришлар ҳам ўзгача.

“Обод қишлоқ” дастури доирасида аҳоли оғир 413 та маҳалланнинг бош режаси ишлаб чиқилмоқда. Бунда илк бор шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун хусусий лойиҳа ташкилотлари жалб қилинди. 2023-2027 йилларга мўлжалланган шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича вилоят ҳокимликлари томонидан тасдиқланган рўйхат асосида дастур шакллантирилди. Дастур асосида 18 та шаҳар бош режасига тўзатиш киритиш, 228 та шаҳарча, 200 та мастер режа ва 465 та қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктнинг бош режалари билан бирга батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Жадал ўсиш янада тақомиллаштириш талаб қилмоқда

Қурилиш соҳаси замонавий ёндашувлар асосида жадал суръатларда ўсиб бормоқда. Шу маънода, сўнгги йилларда қурилиш соҳасини ислох қилиш бўйича Президентнинг 22 та ҳужжати ва ҳукуматнинг 21 та қарори қабул қилингани диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, Шаҳарсозлик кодекси янги тахрирда қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 27 ноябрдаги фармони билан Ўзбекистон

Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновация ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Стратегияда: “...Инсон ашаш фаолиятининг хавфсиз ва қўлай муҳитини шакллантириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг барча соҳалари моддий-техник базасини яратишда ҳамда аҳолининг шинам уй, ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмаси хизматлари, шунингдек, маданий ҳордиққа бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Қурилиш соҳасидаги давлат сисёати мамлакат, минтақалар ва тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини муваффақиятли амалга оширишни таъминлаш мақсадида инновациялар, инвестициялар, меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш орқали тармоқ салоҳиятини оширишга йўналтирилган”, деган жумлалар мавжудки, шунинг ўзидан кейинги беш йилда мамлакатимиз қурилиш соҳаси йўналишини, унинг мақсад-муддафларини билиб олиш қийин эмас.

Ушбу ҳужжатлар доирасида қатор чора-тадбирлар ва ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди ҳам. Мисол учун, қурилиш соҳасида буюртмачи ва инжиниринг хизматлари фаолиятини тақомиллаштиришда янги механизмларни жорий қилиш ҳамда буюртмачи хизматлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, ижтимоий соҳа вазирликлари ҳузуридаги буюртмачи хизматлари туртати хисобига ҳокимликлар ҳузуридаги инжиниринг компаниялари фаолиятини ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Қурилиш объектларида сифат назорати ҳамда объектлар белгиланган муддатларда топширилишини тартибга солиш мақсадида қурилиш объектларида техник назоратни амалга ошириш учун хусусий секторни жалб қилишга рухсат берилди.

Қурилишни лойиҳалаштириш ҳамда лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси жараёнлари қайта қўриб чиқилиб, шаффоф электрон тизимга ўтказилди. Мазкур ишлар вазирлик ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Экспертиза органларига қорғоз ҳужжатлар тўпламини тақдим этиш амалиётидан тўлиқ воз кечилди. Натижада экспертизага лойиҳа-смета ҳужжатлари онлайн топшириляпти. Яъни бугунга қадар жами 45 мингга яқин объект лойиҳаси ушбу



тизим орқали экспертизадан ўтказилиши туфайли 11 триллион сўмдан ошмиқ маблаг тежаб қолинди. Экспертиза йўналишида фаолият юритувчи юридик шахсларга ғувоҳнома бериш орқали тизимда рақобат муҳити яратилди.

Объектларнинг мураккаблик тоифасидан келиб чиқиб, экспертиза хулосаси бериш тизими табақалаштирилди. Табақалашган тоифадаги лойиҳаларга хулоса бериш учун экспертиза ташкилотлари электрон рейтингни йўлга қўйилди. Экспертларни аттестациядан ўтказиш ва мураккаблик тоифаси бўйича лойиҳаларга табақалашган ҳолда хулосалар бериш механизми яратилди.

Вазирлик ва идоралар тасарруфида фаолият қўриётган шаҳарсозлик йўналишидаги соҳавий экспертиза ташкилотлари фаолияти тугатилиб, ушбу йўналишдаги функция ва вазифалари “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКга ўтказиш кўзда тутилмоқда.



Хусусан, бу каби бўғинлар Автомобиль йўллари қўмитаси, Сув ҳўжаллиги ва Энергетика вазирликлари тизимида мавжуд.

Шунингдек, объектларнинг лойиҳа-смета ва тендер ҳўжатларини экспертизадан ўтказишда ортиқча жараён, бўғин ва харажатларни қисқартириш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳўзуридаги “Лойиҳалар ва импорт контр-рактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан комплекс экспертизадан ўтказиш амалиёти бекор қилинади.

Қолаверса, шаҳарсозлик ва лойиҳа-смета ҳўжатлари экспертизаси билан шўғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рейтингини юритиш тўғрисида низом лойиҳаси ишлаб чиқилди, бу амалиёт ҳам бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, мазкур лойиҳа билан экспертиза ташкилотлари ва эксперт мутахассислар рейтингини юритиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланмоқда.

Жорий йилнинг тўртинчи чорагидан бошлаб “Қурилиш ресурслари миллий классификатори”ни тегишли давлат органлари, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар маълумотлар базаларига интеграция қилиш орқали “Моддий-техника ресурсларининг жорий нархлари электрон каталоги” яратилади. Бунда Давлат солиқ, божхона ва статистика қўмиталари, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Товар ҳомашё биржаси каби тегишли вазирлик ва идораларнинг электрон маълумотлар базасига интеграция қилиш натижасида қурилиш материаллари нархи оператив равишда шаклланишига эришилади. Шу билан бирга, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларни электрон каталог ҳамда классификаторга боғлаш орқали уларнинг ҳам жорий нархлари шакллантирилади.

Қурилишда назорат ўта муҳим. Шу боис, соҳада назорат тизимини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қурилиш ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тугалланган объектларни фойдаланишга топшириш бўйича янги регламент қабул қилиниши, камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаган тақдирда ҳудудий инспекцияларга пудрат ташкилотини тўғридан-тўғри жаримага тортиш ваколати берилгани, объектларда “Қурилиш назорати” ахборот тизими жорий қилингани шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир. Бугунги кунга қадар ушбу тизим орқали 26 мингдан зиёд объект назоратга олинди. Бундан ташқари, “Қурилишда давлат назорати” ахборот тизими ҳам тақомиллаштириляпти.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳамда “Давлат шаҳарсозлик кадастри” географик ахборот тизимини — геопортал ишга туширилди.

Бугунги кунда геопорталга жами 825 та шаҳарсозлик ҳўжжати (214 та бош режа, ҳудудларни архитектуравий режалаштиришни ташкиллаштиришга қаратилган 595 та лойиҳа, 16 та ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳалари) киритилган бўлиб, фуқаролар, тадбиркорлар бевосита унга кирган ҳолда ушбу шаҳарсозлик ҳўжжатлари билан эркин танишиши мумкин. Ҳар йилги маъмулий дастурлар асосида ишлаб чиқилиб, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳўжжатлари босқичма-босқич “Геопортал” ахборот тизимига киритиб борилади. Қурилиш вазирлиги томонидан кўрсатилаётган давлат хизматларининг якуний маълумотлари ҳам геопорталда акс эттирилмоқда. Бунинг натижасида кўрсатилаётган давлат хизматларининг ўзаро уйғунлиги таъминляпти ҳамда “Лойиҳалар реестри”, “Шаҳарсозлик фаолияти объектлари реестри” ва “Шаҳарсозлик фаолияти субъектлари реестри” автоматик тарзда шакллантирилмоқда.

“Давлат қадастрлари ягона тизими” ва “Давлат шаҳарсозлик кадастри геоахборот тизими” геопортали ўртасидан ўзаро ахборот алмашинувини ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизида “Тендер” платформаси ишлаб чиқилди, шунга асосан давлат органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинди. Тендер электрон платформаси шуни билан эътиборга олинми, у танловдан инсон омиллини бартараф этади. Тизим ташкилотлар рейтингни асосида ва уларнинг тижорат тақлифини автоматик равишда баҳолаган ҳолда ижрочи ташкилотни аниқлайди. Ҳар бир тизим орқали ҳўзиргача жами 9 минг 461 та тендер ўтказилиб, оптимал тақлифларни танлаш натижасида объектлар бўйича 1,17 триллион сўм тежаб қолинди. Келгусида лойиҳа ташкилотлари ҳам ушбу платформа орқали аниқлаш тизимига ўтилади.

Жорий йилдан бошлаб қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинг тизимини тақомиллаштириш юзасидан рейтингни аниқлаш мезонларидаги 60 та кўрсаткич қайта қўриб чиқилиб, 39 тага камайтирилган эди. Лекин янада шаффофлик ва ҳаққонийлики таъминлаш мақсадида мезонлар яна камайтирилиб, 32 тага туширилди. Бунда асосий эътибор қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базасига қаратилди.

Шу билан бирга, шаҳарсозлик фаолиятини лицензиялаш ҳам электрон тизим асосида амалга оширилмоқда. Натижада вазирликка келмасдан лицензия олиш имкони яратилди. Бу эса коррупция омилларини кескин чеклайди. Соҳада кўрсатиладиган 6 турдаги давлат хизматлари тўлиқ электронлаштирилгани ҳам айтиб ўтиш жоиз. 2022 йил 21 январдан бугунга қадар ушбу тизим орқали мазкур хизматлар бўйича 122 мингдан ортиқ ариза қўриб чиқилиб, ҳал этилган.

Билимли ва тажрибали кадрлар ҳаётини зарурат

Қурилиш ишлари тобора кенгайиб бориши, табиийки, билимли, тажрибали лойиҳачилар, архитекторларга талабни оширади. Шунинг учун ҳўзирги кунда қурилиш соҳасига янги, инновацион маҳсулотларни жалб этиши даврининг ўзи тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, яқинда Қурилиш вазирлигида бош архитектор лавозимни жорий қилиниб, унга вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилгани диққатга сазовор. Шунингдек, вилоятларда “лоиҳа офислари” очилиб, уларга ҳокимнинг биринчи ўринбосари ва вилоят бош архитектори масъул бўлади.

Ҳўзирги кунда қурилиш соҳасидаги иккита асосий олий таълим муассасаси — Тошкент ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари вазирлик тизимига ўтказилган. Уларни ТОП-рейтингга киритиш ва янги тизимда ўқитишни ташкил этиш мақсадида туркиялик мутахассислар ректор этиб тайинланган.

2017 йилда мазкур институтларга 3 мингга яқин абитуриент қабул қилинган бўлса, 2021 йилда қабул сони 4 мингдан ошди. Ўтган ўқув йилида институтларни 2 мингдан ортиқ бакалавр, 260 нафар магистр битириб, қурилишнинг турли йўналишларида фаолият юритмоқда.

Бу ўқув даргоҳларида Германия, Польша ва Россия университетлари билан ҳамкорликда 6 та хорижий қўшма таълим дастури ишлаб чиқилган бўлиб, улар бўйича 200 га яқин талаба ҳамкор университетларда ўқимокда.

Умуман, айна пайтада вазирлик таркибида 12 та техникум ва 2 та коллеж фаолият кўрсатмоқда. 425 та қурилиш ташкилотига ўқувчилар амалиёти ташкил этилди.

Ўтган ўқув йили давомида профессионал таълим муассасаларида 25 та касб ва мутахассислик бўйича 2050 ўқувчи ўқишни тамомлаб, қурилишнинг турли йўналишлари бўйича мутахассис-кадрлар бўлиб етишди. Вазирлик таркибидagi техникумлар ҳузурида қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш бўйича 9 та марказ ташкил этилди. Уларнинг ҳар бири бир мавсумда 16 та касб бўйича 300 ишсини касбга тайёрлаш имконини бермоқда. Институтлар ҳузурида архитектура ва қурилиш соҳаси ходимлари малакасини ошириш курслари ҳам йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2020 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ, ҳудудларда вазирлик тизимидаги профессионал таълим муассасаларининг моддий-техник базаси ҳамда юқори малакали мутахассислардан фойдаланган ҳолда Малакани баҳолаш марказлари ташкил этилмоқда. Мазкур марказлар меҳнат бозорида талаб этилган касб компетенцияларини баҳолайди. Тизимдаги олий таълим муассасаларида таълим жараёнини халқаро андозаларга мослаштириш ҳамда миллий ва халқаро рейтингларда юқори ўринларни эгаллаш мақсадида институтларни трансформация қилиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Яъни яқин келажақда институтларга университет мақоми берилиб, уларнинг ташкилий тузилмаси халқаро андозалар намунасида тақомиллаштирилади. Университетлар ҳузурида технопарк, Инкубация маркази, Еш архитектор ва муҳандислар маркази, Технологиялар трансфер офиси ҳамда Илмий тадқиқотлар марказлари фаолияти йўлга қўйилади. Университетда Олий илм-фан мактаби (магистратура, докторантура ва илмий даражалар берувчи кенгашлар) фаолияти хорижий тажриба асосида ташкил қилинади. Уларнинг академик, ташкилий бошқарув ва молиявий соҳаларда мустақиллиги таъминланади. 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб университетларга кириш имтиҳонлари халқаро стандартларга асосланган ҳолда, йилда икки марта ўтказилади. Яна ўша ўқув йилдан эътиборан “Рақамли университет” тизимини босқичма-босқич жорий этишга киришилади.

Мақолалик дебосчасида қайд этганимиздек, одамларга обод ва фаровон ҳаёт тарзини яратиш мамлакатимиздаги ислохотларнинг энг устувор мақсади ҳисобланади. Жойларда қад ростлаётган ижтимоий объектлар, турар жойлар, пайдо бўлаётган янги-янги мавзёлар бунинг аққол мисолидир.

Янгиляниш, ўзгариш қайси соҳада бўлмасин, инсонга хизмат қилиши шарт. Қурилиш санъати ва соҳасидаги бугунги ишлар ана шу мақсадларга йўналтирилгани билан биз, соҳа ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.



ЖАРАЁН



Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги “Хонарик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 2,5 километрга яқин ички йўл қурилди. Бир қараганда, булар унчалик катта рақамлар эмас. Аммо туман марказидан 30 километр олисда жойлашган, бир томони қўшни Андижон вилоятининг Бўстон туманига туташ, ўтган асрнинг 50-йилларида қум барханлари қўйнида барпо этилган қишлоқда яратилган бу инфратузилма аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилгани рост.

ЙЎЛЛАР РАВОН, МАНЗИЛ ЯҚИН

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МУАММОЛАР ҲАЛ БЎЛДИ

— Ёзда чанг-тўзон, қишда тўпиққа-ча пой кўчаларимизда бугун амалга оширилган бунёдкорлик ишларига кўпнинг ҳаваси келади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рўзбой Мирзаев. — Ўттиз йилдики, ички йўллари таъмирлаш, тартибга келтириш, тоза ичимлик сув олиб келиш ечиб бўлмас масала эди. Орзуларимиз ушалди. Бунда “Ташаббусли бюджет” тамойили ҳаётга татбиқ этилгани айни мuddао бўлди. Кўчаларимизни асфальтлаш борасида билдирган таклифимиз “Очиқ бюджет” порталида энг кўп — 2014 та овоз олди. Шунингдек, 3 километр тоза ичимлик сув тармоғи тортилгани қишлоғимиз аҳолиси қалбига ўзгача қувонч, шодлик олиб келди. Обод бўлган кўчалар одамларимиз кайфияти, руҳиятини кўтарди. Маҳаллада эни 4 метрдан кам бўлмаган, қалинлиги 18 сантиметр бетон қопламали текис ва равон йўллар қурилмоқда. Пишиқ, пухта, сифатли йўллар ҳолати ҳавас қилгулик. Мутахассислар бетон қопламали йўлларда транспорт ва аҳоли ҳаракатланиши билан боғлиқ ҳар бир жиҳатни ҳисобга олган. Хусусан, совуқ ва ёгингарчилик мавсумида сирпаниб кетмаслик, йўл ҳаракати билан боғлиқ ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари қўрилган.

Замонавий қиёфа касб этган йўл бўйларида тунги чироқлар ўрнатилди, пиёдалар йўлаклари қурилди, суғориш тизимлари ўрнатилди.



Шу йилнинг ўзида биргина Тошлоқ туманида “Очиқ бюджет” платформаси ва “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида 9 километрдан ортиқ ички йўл асфальтланмоқда.

Асфальтланмаган кўча қолмайди

— Иш бошлаган илк кунимданок маҳалла аҳли кундалик ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган йўл, тоза ичимлик сув тармоқлари ишини яхшилаш, аҳоли учун муносиб шарт-шароитлар

яратишга эътибор қаратиб келяпман, — дейди Тошлоқ тумани “Сўкчилик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдამчиси Муҳаммадқодир Нўмонов. — “Менинг йўлим” лойиҳаси доирасида Ҳилол кўчасида 3 километрдан зиёд асфальт ётқизилди. Маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан яна 800 метр ички кўчани шағаллаштириш, асфальтлаш ҳаракатидамиз. Йўлсозлар ички йўллارга шағал ётқишиш, текислаш, бетонлаш билан боғлиқ амалий ишларни бир дам бўлса-да тўхтатгани йўқ.

— Маҳаллага кўчиб чиққанимизга 35 йил бўлди, — дейди Ҳилол кўчасида яшовчи Мухторали Эргашев. — Уйга меҳмон келса, хижолат бўлардик. Кўчаларимиз куз-қиш ойларида лой, ёзда чанг-тўзон эди. Ҳолат юзасидан кўп жойга мурожаат қилганмиз. Аммо ижобий ечим топилмаган. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган қурилиш, бунёдкорликлар туфайли кўп қатори маҳалламиздаги ички йўллар ҳам таъмирланди. Аҳоли ва транспорт ҳаракатлари учун қўлай шароитлар яратилди. Сўнгги йилларда йўл, сув, электр таъминоти билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратилаётгани, ечим изланаётгани барчамизни қувонтирляпти. Жорий йилда вилоят ҳудудида 531 километр ички йўлни таъмирлаш, асфальтлаш режалаштирилган. Қўштепа тумани “Лангар” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ички йўллар шу пайтга қадар абгор аҳволда эди. Жорий йилги режа асосида бу ердаги 7,1 километр ички йўл тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бунга ўхшаш мисоллар кўп, — дейди Фарғона вилояти “Минтақавий йўллارга буюртмачи хизмати” ДУК раҳбари Шухратжон Пулатов. — “Обод қишлоқ” дастури доирасида Ёзёвон туманидаги “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Қайирма, Найман, Катташоҳ, Боғча, Бог кўчаларида 3 километрдан ортиқ йўл асфальтланди. Бўтқачи кўчасининг 2,6 километри қайта таъмирланди. Ички кўчаларни таъмирлашни

1 октябргача яқунлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, вилоятимиздаги ички хўжалик йўлларини 2026 йилга қадар белгиланган дастур асосида босқичма-босқич тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган. Бунинг натижасида бирорта ҳам носоз ички йўл қолмайди.

Узоқ йиллар давомида йўллар қуриш, таъмирлашга эътиборсизлик аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Энди бу борадаги муаммоларга ечим изланаяпти.

Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги “2022-2026 йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, биргина Фарғона вилоятида 261 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 85 километр цементобетон, 218 километр асфальт қопламали йўл қуриш, 228 километр йўлга шағал ётқишиш режалаштирилган. Бу ишлар республика бюджетни маблаглари ҳисобидан амалга оширилмоқда.

— Мутахассисларимиз алоҳида қурилмалар яратиб, инновацион ғояларни амалиётга жорий этипти, — дейди “Ўзйўлинспекция”нинг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими бош мутахассиси — давлат инспектори Жаҳонгир Шаропов. — Маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб, бетон қопламали йўллар ёз ва қиш мавсумида бирдек хавфсиз бўлишига жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ҳар бир жараён бўйича алоҳида йириқномалар ишлаб чиқилди. Қўл меҳнатини қамайтириш учун автоматик қурилмалардан кенг фойдаланиляпти. Белгиланган меъёрга кўра, асфальт йўллардан ўртача 8-10 йил, бетон қопламали йўллардан эса 20

ички хўжаликлараро бўлиб, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчаларини ташкил этади.

Ўтган йили вилоятда йўлларни таъмирлаш дастури доирасида умумий қиймати 494,8 миллиард сўмлик иш бажарилиши натижасида 1550,4 километр йўлнинг ҳолати яхшиланди, 1 та замонавий кўприк фойдаланишга топширилди.

— Белгиланган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун янги техника ва технологиялардан, арзон, сифатли маҳаллий қурилиш хомашёларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Фарғона вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ойбек Назиров. — Айниқса, ички хўжалик йўллари ва йўлакларни таъмирлаш, транспорт ва аҳоли ҳаракатланиши учун қўлай шароитлар яратиш, йўл белгилари ўрнатиш ишлари кундан-кунга ортиб бормоқда. Натижада ички йўллари таъмирлаш даражаси қарийб 68 фоиз ошди. 2021 йилда 1050 та маҳалла ва қишлоқдаги ички йўллар таъмирдан чиқарилди.

Вилоятда кенг ва равон йўллар қуриш, мавжудларини таъмирлаш ишлари бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ. Ёзининг ҳароратли қуёши тафтига қарамай, йўлсозлар йўл текислаш, тош-шағал, асфальт ётқишиш, бетонлаш каби мукамал ва жорий таъмирлаш ишларини жадал олиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Фарғонада замонавий ва халқаро талабларга жавоб берадиган ички ва ташқи автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш, транспорт қатновларига



йил фойдаланилади. Сифати, тежамкорлиги ва хомашё борасида тақчиллик кузатилмаглиги сабабли яқин истиқболда ички йўллارга босқичма-босқич бетон қоплама ётқишиш чоралари қўрилмоқда.

Янги имкониятлар

Фарғона вилоятида 19 минг 950,5 километр автомобиль йўли мавжуд бўлиб, унинг 4031 километри умум-фойдаланишдаги, 15919,5 километри

кенг йўл очиш, харажатларни қамайтириш, умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида қуриш борасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар аҳоли узоғини яқин, оғирини енгил қилиш имкониятини бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

*Шерзод ҚОРАБОЕВ
олган суратлар.*

ПИШИҚЧИЛИК



ДЕҲҚОНЧИЛИКДАН ТОПИЛГАН ХАЗИНА

Ҳоким келаркан, деган гапни эшитиб, Каримжон ака ишга киришди. Кечки пайт дала ерлари ва томорқа имкониятларидан умумли фойдаланиш жараёналари билан яқиндан танишиш мақсадида Наманган тумани Ҳокими Садриддин Мўминов Шўркўрғон қишлоғида жойлашган Каримжон Сотиболдиевнинг деҳқон хўжалиғига бўлди.

70 сотихдан иборат майдон тевараги паст бўли 200 тул тут дарахти билан ўралган. Ободликка, яшилликка, сокинликка ҳавас қиласиз. Атрофга сув сепилган, райҳон ҳидидан файз таралади. Ястаниб ётган пайкалларда “кўкча” навли қовунлар пишиб етилмоқда. Мазасини айтмайсизми?! Далада қуёш тигидан паналаб, соя улашиб турган кунгабоқарлар ҳам аскарлардек саф тортган.

— Ўтган йилги қовун ҳосилидан салкам 50 миллион сўм соф даромад олдик. Бу гал ҳам ундан кам бўлмайди. Оила аъзоларимиз билан бирга астойдил ҳаракатдамиз, — дейди миришкор. — Меҳнат инсонни улуғлайди. Юзинг ёруғ, кўнглинг хотиржам юради. Деҳқончилик ота касбим, ер билан тиллаша олиш учун ишингизни севишингиз, зиммангиздаги мавсумий юмушни бажаришга масъулият ва меҳр билан қараш керак. Шунда оилангизга кут-барака қиради.

Ҳа, ёзининг саратони бўлишига қарамай тер тўкиб меҳнат қилаётган, ҳосил қўғи баланд бободеҳқонлар бор экан, дастурхонларимиз доимо тўкин. Улар нафақат ўз хонадонларини, балки эл фаровонлигини ўйлаб, куну тун тинмайди. Туман ҳокими деҳқон хўжалиғи аъзолари билан суҳбатлашди, уларнинг ибратли меҳнатини олқишлади. Фаолиятини кенгайтириш юзасидан ёрдамга тайёрлигини, даланинг бўш турган қисмида иссиқможа қурилиши учун амалий жиҳатдан қўлаб-қувватлашни билдирди. Шундан сўнг самимий мулоқот қовун сайлига уланди.

Каримжон Сотиболдиев узоқ йиллар тумандаги қишлоқ хўжалик касб-хўнар коллежидда ишлади. Нафақага чиққанига қарамай қишлоқда қўшни қишлоқдаги 1-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчиларга технология фанидан касбга йўналтириш, чилангарлик, дурадгорлик, хунармандчилик, чорвачилик, боғдорчилик илми сир-асрорларини амалиётга уйғунлаштириб ўргатмоқда.

Қовунчилик билан шуғуллана бошлаганига 22 йил бўлибди. 2007 йилда собиқ Охунбобоев жамоа хўжалиғи тугатилгач, аввал соғин сигирлар боқилган ва кейинчалик ташландиқ ётган майдонни чиқиндилардан тозалаб, иккита деҳқон хўжалиғи тузди. Турмуш ўртоғи Ўктамжон опа ва фарзандлари билан енг шимариб ташландиқ жойни унумдор ерга айлантирди. Ўғиллари Ҳакимжон ва Бобуржон отасига камарбаста бўлди.

Каримжон домлани бутун қишлоқ аҳли саҳий деҳқон сифатида яхши танийди. Кам таъминланганларга ўзи етиштирган маҳсулотидан беминнат таркатади. Пайкалдан қайтарканмиз, “Қовун сайлига келинлар, меҳмонимиз бўлинг!” дея илқ хайрлашган уста миришкор меҳнатининг залворини ҳис этдик.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

ФОТОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАР — ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Юртимизда йилнинг ўртача 320 кун қуёшли бўлади. Бу Яратганининг биз учун ўзига хос тухфаси. Чунки кейинги пайтларда бутун дунёда энергиянинг муқобили манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилляпти. Юртимизда ҳам мазкур тармоқни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий асослар яратилляпти.

Жорий йил 10 июнь кун қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш бўйича устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳозирги кунда аҳолининг камида 2-3 миллиард киловатт соат электр энергиясига қўшимча талаби мавжудлигини, келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж яна 10 миллиард киловатт соатга ошшини қайд этиб, ушбу талабни қоплашнинг энг самарали йўли муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтириш эканини айтганди.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда қуёш станцияларини қуриш орқали 600 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариши мумкин. Бу жами эҳтиёждан 8 баробар кўп қайта тикланувчи энергия манбаини олиш имконини беради.

Электр энергияси иқтисодиёт ривож, ҳаёт сифатини таъминлайдиган асосий манбалардан бири бўлгани боис, соҳада ислохотларни мунтазам амалга ошириш, янги лойиҳалар орқали таъминот барқарорлиғига эришиш муҳим вазифалардан. Бунда мамлакатимизда янги лойиҳалар асосида ишга тушириляётган йирик қуёш фотоэлектр станцияларининг аҳамияти беқисс.

Навоий вилоятида ҳам янги лойиҳалар бўйича иш қизғин. Кармана туманида ўтган йили ишга туширилган қуёш фотоэлектр станцияси шулардан бири. Ушбу станция ўртача 5 та туманининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжин қоплайди. Станцияда ишлаб чиқариляётган электр токи юртимизнинг барча ҳудудларини ўзаро боғловчи юқори кучланлиши тармоқларга уланган.

Бу лойиҳа Ўзбекистоннинг янги энергетика тизими ривождаги муҳим босқич, sanoat

тараққиётга хизмат қиладиган асосий омиллардан биридир. У йилига 252 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариши, 80 миллион куб метр табиий газни тежаш ҳамда атмосферага 160 минг тонна иссиқхона газлари чиқишининг олдини олишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Комплексни ишга туширишда 110 миллион долларлик сармоя ўзлаштирилди, 300 минг қуёш панели ўрнатилди. “Nur Navoi Solar” деб номланган лойиҳа Бирлашган Араб Амирликларининг “Масдар” компанияси томонидан амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал ривожланиб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланаятгани электр энергиясига талаб ортишига ҳам сабаб бўлмоқда. Сўнгги беш йилда юртимизда тадбиркорлар сон 25 фоиз, уларнинг барқарор энергия манбаига талаби эса 30 фоиз ошган. Ушбу қуёш фотоэлектр станцияси эса аҳоли ва sanoatнинг ўсиб бораётган ана шу эҳтиёжини таъминлашга хизмат қилади.

Замонавий лойиҳалар экологик нуқтаи назардан анъанавий иссиқлик электр станцияларидан устун. Яъни 1 киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 365-380 граммгача шартли ёқилғи сарфланса, қуввати 478 мегаватт қурилмада ушбу кўрсаткич барқарор равишда 235 граммни ташкил этмоқда. Натижада фақатгина битта қурилмани ишлатиш орқали 500 миллион метр кубгача табиий газ ёқилгисини тежаш имкони яратилляпти.

— Корхонамизда жорий йилнинг охиригача учинчи ва тўртинчи буғ-газ қурилмалари ишга

туширилиши режалаштирилган, — дейди “Навоий иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти бош муҳандиси ўринбосари Жамшид Пирманов. — Янги лойиҳалар туфайли Навоий иссиқлик электр станциясининг умумий қуввати 2 минг мегаваттдан ошди. Ҳозирги буғ-газ қурилмалари захира ҳолатига ўтказилади. Янги буғ-газ қурилмаларида хавфсизлик ҳам юқори. Шунингдек, 200 та иш ўрни яратилади.

Корхонада янги — 3-буғ-газ ишга туширилиши билан станциянинг ишлаб чиқариш қуввати янада ошди ва 1 киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 200-300 грамм шартли ёқилғи сарфланади. Натижада йилига 550-600 миллион кубометр табиий газ тежалди.

Ўтган йиллар давомида станцияда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар ошди. 2024 йилга қадар умумий қиймати 784 миллион 499 минг доллар, 650 мегаватт қувватга эга лойиҳа ишга тушиши электр энергияси ва иссиқлик таъминотини янада яхшилашга хизмат қилади.

Навоий вилояти энергетика тизимидаги бу каби янги лойиҳалардан ҳам қўриш мумкин-ки, соҳадаги ислохотлар самараси юртимизнинг барча ҳудудларидан ўз аксини топлмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистонда янги энергетика тизимини йўлга қўйишда муҳим жараён ҳисобланади.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
журналист



ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Абдулла УЛУҒОВ,
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети профессори

Заҳматкашлиги, зукколиги, миллатпарварлиги билан халқ орасида шухрат қозонган адабиётшунос Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби қомус — энциклопедия характеридаги муҳташам тадқиқот бўлиб, унда улуг адиб билан бир даврда яшаган, унинг ҳаёти ва ижодига алоқадор 254 киши тўғрисида муҳтасар маълумот берилади. Муаллиф уларнинг таржимаи ҳоли, ўзбек романчилиги асосчиси билан муносабатини баён қилиш асносида Абдулла Қодирий яшаган замон манзарасини чизиб кўрсатади. У тақдим қилган маълумотлардан “Ўткан кунлар” муаллифи ва унинг сафдошлари зулмат замонда яшаб ўтгани аёнлашади. Китобда ўша муҳим даврда ҳаёт кечирганлардан аксариятининг суратига жой ажратилади. Уларнинг қиёфасидан ҳадик, кўрқув, хавотир ҳисси ёғилиб туради. Аъзам Аюб, Вадуд Маҳмуд, Заҳриддин Аълам, Маъруф Расулий, Мискин, Мунавварқори сингари зиёлиларнинг суратини кўрган киши беихтиёр Абдулла Қодирий ва унинг сафдошлари инсон қадрни тоғталган замонда яшаган, деган ҳаёлга боради. Чунки уларнинг ночор аҳволи, ғамгин, умидсиз қараб туриши дабдурустдан кўнгилга шундай ноҳуш ўйлар солади.

Санжар Сиддик, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Шохид Эсон, Ёлбек, Ғози Юнус, Қайом Рамазон, Ғуллом Зафарий, Ҳожи Муин каби қаламкашларнинг суратига қараган одам адолатсизлик, зулм ва зўравонлик инсонни ожиз, нотавон қилиб, уни ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан абгор этишини дарҳол англаб етади.

Ушбу китоб зулмат замон картинаси ҳақида оҳорли маълумотларга бой экани билан диққатни жалб этади. Абдулла Қодирий замондошлари таржимаи ҳоли билан боғлиқ бу маълумотлар ижтимоий-тарихий жараённинг турли жабҳаларини қамраб олади. 254 кишининг Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига дахлдор жиҳатлар тўғрисидаги мулоҳазаларидан ўша оғир даврда одамларнинг руҳий изтироблар, азобу қийноқлар ичида умргузаронлик қилгани, уларга ўша муҳим даврда “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” каби асарлар таскин-тасалли бергани, шунинг учун одамзод азал-азалдан адабиёт ва санъатга эҳтиёж сезиб яшагани, то хануз уни эъзозлаб, ардоқлаб келаётгани ойдинлашади.

Маъзур китоб яна бир ҳақиқат — Наим Каримов “Абдулла Қодирий замондошлари” асари ўқувчилар кўлига етиб келиши учун игна билан қудуқ қазгандай меҳнат қилганидан дарак беради. Ҳар бир зукко ўқувчи китобда қайд қилинган маълумотлар узоқ йиллар мобайнида заҳмат чекиб тўплангани, муаллиф ўтмишининг қоронғу саҳифаларида бекитиб келинаётган ҳақиқатни очиб мақсадда кунт билан иш олиб борганини дарҳол пайқайди.

“Абдулла Қодирий замондошлари”да тақдим қилинган аксарият маълумотлар бошқа бирор манбада учрамайди. Фидойи адабиётшунос узоқ йиллар давомида излай-излай топган маълумотлари манбасини кўрсатиш билан кифояланмасдан, уларда қайд қилинган мулоҳазаларга ҳолислик билан ўз муносабатини ҳам билдирди. Ушбу ҳолислик эса “Абдулла Қодирий замондошлари”га алоҳида фойз, бўлакча салмоқ бағишлайди.

Наим Каримов миллий романчилигимиз асосчиси “Ўзбек адабиёти дарғаларидан бири, буюк маърифатпарвар” деб улуғласа-да, ундан фариш-та ясаша, уни идеал инсон сифатида кўрсатишга уринмаган. Бу ҳам “Абдулла

Қодирий замондошлари”нинг қиммати-ни оширган. Масалан, “Қодирий айрим ҳажвияларида маърифат ва маданиятнинг турли соҳаларида хизмат қилаётган биродарларини баъзан ўринли, баъзан ўринсиз ҳажв қилишга мойил бўлган”, дейилган ва бунинг исботи сифатида “У “инқилобий матбуот”нинг 6 йиллиги муносабати билан ёзилган “6 йиллик базм” (1924) ҳажвиёсида бошқа ёзувчи ва журналистлар қатори Ҳожи Муин кимнингдир вафот этганини эшитиб, таъзиянома ёзгани, таъзиянома босилиб чиққанидан сўнг “марҳум”нинг ҳаёт экани маълум бўлиб қолгани, бу воқеадан хабар топган Қодирий ҳажвиянинг Ҳожи Муинга аталган қисмини “Унинг 6 йиллик умри таржимаи ҳол ёзиш билан ўтди”, деган сўзлар билан бошлагани ва ўша воқеани маззахнамо баён қилган, “Ҳар нечунда Ҳожи Муин кўз остига олган улуг кишилари (мавзу-

“МУАЛЛИФ “АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ” ОРҚАЛИ ЗУЛМАТ ЗАМОННИ ЁРИТИБ, БУГУНГИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ, КЕЛГУСИ АВЛОДЛАРНИ НУРГА ЕТАКЛАЙДИ, ҲАЁТСЕВАРЛИККА, ОДАМЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ, ҚАДРЛАБ, ҲАМКОРУ ҲАМЖИҲАТ БЎЛИБ ЯШАШГА ЧАҚИРАДИ. КИТОБДАГИ 254 КИШИНING МЎЪЖАЗ ПОРТРЕТИДА МУАЛЛИФНИING ЎША ЗАМОН ҲОДИСАЛАРИГА, БУГУНГИ КУНДАГИ ЎЗГАРИШЛАРГА ХОЛИС, БЕҒАРАЗ, КУЮНЧАК МУНОСАБАТИ АНИҚ АКС ЭТАДИ.

лари) кўб бўлса ҳам, бахтга қарши, ҳамон марҳум бўлмай, бечорага тузукроқ ишлашқа имкон бермай келадириллар”, деган киноя билан тугатгани” ҳақида аниқ мисол келтирган.

Абдулла Қодирий яшаган зулмат замон билан яқиндан таништирадиган мазкур қомусда жуда кўп ёзувчи-шoirлар, давлат ва жамоат арбоблари, “Ўткан кунлар” муаллифининг оила аъзолари ва қадрдонлари тўғрисида бошқа бирор дарслик, тадқиқотда қайд қилинмаган ҳақиқатлар тақдим этилади. Масалан, Сотти Хусайн тўғрисида “Ҳеч қаерда ўқимагани ва бирорта адабиётчидан таълим олмагани ҳолда” 1941 йилгача 5 та шеърлар тўплами, 116 та ҳикоя, 1 қисса, 5 та кичик пьеса, “Душман” ва “Хуқуқ” романларини ёзади”, дейилади. Бундай



далиллардан кейин Сотти Хусайн фаолият кўрсатган майдон ҳамда унинг Абдулла Қодирий шахси ва ижодига муносабати тўғрисида сўз юритилади. Жумладан, “Хусайн Шамс қалам тебратга бошлаган йилларда завод ва фабрикалардаги ишчи-шoirларга катта эътибор берилган ва уларнинг фаол иштирокида “пролетар (йўқсил) адабиёти”ни яратиш ғояси кун тартибига қўйилган эди. Шу ҳол Хусайн Шамснинг 1931 йилда матбаатчилик соҳасидан олиниб, Ўзбекистон Пролетар ёзувчилар уюшмасига иккинчи котиб этиб тайинланишига сабаб бўла-

ди... Хусайн Шамс Қодирий маҳоратининг юксаклигини озми-кўпми тушунганига қарамай, унинг ижодини пролетар (йўқсил) адабиёти мезонларидан келиб чиққан ҳолда баҳолаган”, дейилади ҳамда “Душман” романи муаллифи ўзбек романчилиги асосчисининг шахси ва ижоди хусусида қандай нолойик, норово фикрлар билдиргани қисқача маълум қилинади.

Наим Каримов улуг адибнинг сафдошлари, замондошлари, қадрдонлари билан таништираётиб, зулмат замоннинг қора пардаларини чок-чокидан йиртиб ташлайди ва “Нега ўша пайтларда ҳаёт фожиаи кечган? Бунинг сабаби нима ва айбодори ким?” деган саволни қўяди ва замондошларимизни, келгуси авлодларни одамзоднинг ҳамкор, ҳам-

жиҳат бўлиб яшашига нима тўсқинлик қилиши тўғрисида ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Абдулла Қодирийнинг Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари кўплаб замондошлари аянчли қисмати эса ҳар қандай кишининг кўнглига оғриқ солади. Абдулла Қодирий замондошларининг фожиаи тақдири билан танишган ўқувчиларнинг қалби, руҳи аллақандай тушуниксиз қийноқлар ичида қолади.

Аллома адабиётшуноснинг узоқ йиллик машаққатли меҳнати меваси бўлиш мазкур китоб 254 нафар инсоннинг муҳтасар таржимаи ҳоли орқали муҳим замон кўриниши қанчалик хунук эканини тасаввурда жонлантиради. Таълим даргоҳлари учун дарслик бўлишга муносиб бу китоб бугунги кунни қадрлаш, келажакка дадил қадам қўйишга интилиш учун ўтмишни унутмасликка даъват этади. Наим Каримовнинг ушбу муҳташам тадқиқоти шундай зарур ва муҳим сабоқ билан ёшларимиз онгидеги бўшлиқни тўлдириб, замондошларимизнинг бундан бир аср аввалги ижтимоий турмуш тўғрисидаги тасаввурини тинчиклаштиради.

Наим Каримов золим замоннинг инсонга норово ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, Абдулла Қодирийнинг қатор сафдошлари феъл, аъмолидаги мусбат ва манфий жиҳатларидан қатъи назар, фаол ҳаёт тарзи асосида ҳаёт кечиргани, улар олам қайқалиб турган серғалва замонда пана-пастқам жойда жимгина писиб, индамасдан туришдан номул қилганига ҳам уруғ беради. У ўша даврда адабиёт ва санъат халққа фикр етказишнинг бирдан-бир манбаси бўлган, XX асрда, ундан аввалги замонларда одамларнинг онги, дунёқараши айнан адабиёт таъсирида шаклланиган, шу боис у давлат, ҳокимият учун мафкура қуроли бўлиб келганини алоҳида таъкидлайди. “Абдулла Қодирий замондошлари” китоби ўзининг мана шу каби яна кўплаб жиҳатлари билан бирламчи манбаларни ўқимаган, турли узук-юлуқ, тағи пуч маълумотларга ёпишиб олган мунозараталаб мардумларга муносиб жавоб бўлади.

“Абдулла Қодирий замондошлари” яна бир жиҳат — Наим Каримов чинакам маънода зиёли инсон экани, у адабиёт ва санъат тўғрисида мушоҳада юритиш, юртдошларини ижод ва илм аҳлининг ҳаёт йўли билан таништириш, уларнинг асарлари мазмун-моҳиятини ёритишни ўзининг яшаш тарзи, кундалик доимий одатига айлантирганидан хабардор қилади. Бу китоб шуғуullanадиган касбинг, ишингга бутун борлигининг бағишлама-гунингча у сенга ҳеч нарса бермаслиги, ҳеч кимга бахт, омад, шон-шухрат ҳеч қачон ахлит ҳолда тақдим этилмаслиги, улар одамнинг ўзи амалга оширадиган ҳаракатлар натижаси сифатида пайдо бўлишига яна бир қарра ишонтиради.

Муаллиф “Абдулла Қодирий замондошлари” орқали зулмат замонни ёритиб, бугунги юртдошларимизни, келгуси авлодларни нурга етаклайди, ҳаётсе-варликка, одамларни эъзозлаб, қадрлаб, ҳамкору ҳамжиҳат бўлиб яшашга

“МАЗКУР КИТОБ ЯНА БИР ҲАҚИҚАТ — НАИМ КАРИМОВ “АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ” АСАРИ ЎҚУВЧИЛАР ҚЎЛИГА ЕТИБ КЕЛИШИ УЧУН ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИГАНДАЙ МЕҲНАТ ҚИЛГАНИДАН ДАРАК БЕРАДИ. ҲАР БИР ЗУККО ЎҚУВЧИ КИТОБДА ҚАЙД ҚИЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР УЗОҚ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ЗАҲМАТ ЧЕКИБ ТЎПЛАНГЕНИ, МУАЛЛИФ ЎТМИШНИING ҚОРОНҒУ САҲИФАЛАРИДА БЕКИТИБ КЕЛИНАЁТГАН ҲАҚИҚАТНИ ОЧИШ МАҚСАДИДА КУНТ БИЛАН ИШ ОЛИБ БОРГАНИНИ ДАРҲОЛ ПАЙҚАЙДИ.



чақиради. Китобдаги 254 кишининг мўъ-жаз портретига муаллифнинг ўша замон ҳодисаларига, бугунги кундаги ўзгаришларга ҳолис, беғараз, куюнчак муносаба-ти аниқ акс этади.

“Абдулла Қодирий замондошлари”-даги портретлардан давр эврилишлари ичида қолган кишиларнинг ҳаёт йўли зиддиятчи кечиши, уларнинг ўзаро муносабатида ошқора ёки зимдан адоват устунлик қилиши англашилади. Айни ҳолат, хусусан, Абдулла Қодирий билан Михаил Швердин, Сотти Хусайн муносабатларида яққол сезилади. Наим Каримов биринчи ўзбек романи босилиб чиққан, Михаил Швердин 1928 йил “За партию” журналининг 3-сониде “Бу роман ... бизга ётди...” “Ўткан кунлар”нинг салбий томонларини ҳатто унинг катта бадий қимматга эга экани билан ҳам оқлаб бўлмайди”, деган мазмундаги “қонталаб тақриз” эълон қилди. У Абдулла Қодирий романини танқид қилиш билан чекланмасдан ўзбек матбуотини ҳам “Вақтли матбуот сукут сақлапти: гўё романдаги ғоявий хатоларни маъқуллаяпти, романдаги мавжуд нотўғри, ҳатто зарарли ғояларни, ўтмишни бўяб кўрсатишга уринишни, савдогарлар тоифасини қаҳрамон даражасига кўтариб, улар ўзбек халқининг ҳақиқий вақили сифатида тапқин этили-шини кўллаб-қувватлаяпти”, деб кескин айблаб чиқди. Михаил Швердин бош-лаб берган ана шу “айблов” бандлари кейинчалик юз берган қатагон жараёнида Абдулла Қодирий ва унинг сафдош-лари бошига болта бўлиб тушди, кўпги-на зиёлиларнинг ҳаёти фожиаи якун топишга сабаб бўлди. Сотти Хусайн, Хусайн Шамс сингари бир қатор қаламкашлар билиб-билмаган, тушуниб-тушунмаган ҳолда Абдулла Қодирийни қоралади, деб қайд қилган.

“Ўткан кунлар”га қора кўзойнак та-қиб қараган Сотти Хусайннинг бирин-чи ўзбек романи муаллифини қорала-шининг мағзи-моҳияти “Сотти Хусайн С.Хўжаев, И.Тоҳирий сингари замон-дошларидан фарқли ўларок, “Ўткан кунлар” романини марксча-ленинча таълимот асосида текширишни ўз ол-дига мақсад қилиб қўйган. Танқидчи-нинг диққат марказида бўлган “Ўткан кунлар”ни “таҳлил қилиш”да романнинг китобхонларни мафтун этган бадий латофати сирларини очиб эмас, балки тарихий ўтмишни ва шу ўтмишда яша-ган роман қаҳрамонларини синфийлик мезонлари асосида текшириш масала-си турган”, деб очиб берилган.

Қомусда шу тарзда Абдулла Қодирий замондошлари ўзлари англаб-англамаган ҳолда бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳга ажралиб қолгани, аниқроғи, замон уларни бе-ҳад адаштириб ташлагани, зулм ва зўравонликка асосланган мустабид тузум одамларнинг қалбидеги меҳр-оқибат ҳисларини сундириб, бир-бирига ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик тор-ларини бўшаштириб ташлагани алам тўла ачинаши ва чуқур изтироб билан нақл қилинган.

Умуман, заҳматкаш адабиётшунос Наим Каримовнинг “Абдулла Қодирий замондошлари” китобида тақдим қилинган далил ва маълумотлар, улар юзасидан баён қилинган фикр-мулоҳазалар ўтмиш ва бугунги кун тўғрисидаги тасаввурни тинчиклашти-риб, глобаллашган давр одамлари-нинг дунёқарашини теранлаштиради. Бундан эса аллома адабиётшунос-нинг ушбу муҳташам китоби давлат мукофоти билан тақдирланишга ҳар жиҳатдан муносиб, деган хулоса ке-либ чиқади.

ЯНГИЛИК

Бу йил Ёшлар кунига бағишланган тантаналар навқирон авлод вакиллари хотирасида унутилмас тарихий кун сифатида муҳрланди. Шу кунни бир гуруҳ ташаббускор ёшлар учун энг йирик интернет очик энциклопедияси — Википедияни тақдим этиш имконияти яратилди. Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувда ушбу лойиҳани алоҳида эътироф этиб, интернет тармоғида ўзбек миллий контентини кўпайтиришга маблағ ажратилишини маълум қилди. Ўзбек интернет оламида матнли маълумот ва видеоконтентларни кўпайтириш учун зарур шароит яратилгани ҳам жамоа, ҳам ёшлар учун жуда катта қўллаб-қувватлов, янги марралар сари ундовчи мотивация бўлди.

“WikiOromgoh”да бир ҳафтада саккиз мингдан ортиқ мақола яратилди



Биз интернет асрида яшаямиз. Бир давлат-нинг, тилнинг, миллатнинг мавжудлиги интернет тармоқларида унга тегишли маълумотлар кўп-лиги билан ҳам белгиланмоқда. Энг йирик интернет очик энциклопедияси — Википедияда 316 тил-да 59 миллионга маълумот бор. Ҳозирча улар

орасида ўзбек тилидаги маълумотлар 164 минг-дан зиёд. Ўзбек тилида маълумотлар яратиш йў-лида кенг қўламли саяё-ҳаракатлар бошлангани нур устига нур бўлди.

Давлат тилининг ахборот ва коммуника-ция технологиялари, хусусан, интернет жаҳон

ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақ-тини мазмунли ташкил этиш, уларни китоб-хонликка жалб қилиш мақсадида май ойида “WikiStipendiya” марафони йўлга қўйилди. Ма-рафон доирасида Тошкент вилояти Бўстон-лик туманида жойлашган ёшлар оромгоҳида “WikiOromgoh” ташкил этилди.

1-8 август кунлари “WikiOromgoh”да ташкил этилган маҳорат дарслари ва спорт мусобақа-лари, “Заковат” интеллектуал ўйинлари каби қи-зикарли дастурлар ёшларнинг бўш вақтини ма-змунли ташкил этиш баробарида ўзбек тилидаги Википедиянинг сон ва салмоқ жиҳатидан бойи-шига хизмат қилди. Бир кунда иштирокчилар то-монида 2 мингдан ортиқ янги мақола яратилиб, Википедияга жойланди.

Бир ҳафта давомида ўзбекча Википедияда июлдагидан-да кўпроқ, яъни 8 мингдан ортиқ мақола яратилди, 365 тилли Википедияда ўз-бек тилидаги контент 62-ўриндан 55-ўринга чиқди.

Шунингдек, “WikiAyollar” лойиҳаси доирасида аёллар, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига оид мақолалар кўпайтирилиб, мунтазам жойлан-моқда.

Бундай лойиҳаларнинг кўп бўлиши нафақат ўз-бек тилининг нуфузини оширишга, балки Ўзбекис-тонимизнинг номини дунёга янада кенг танитишга катта туртки бўлади!

“WikiOromgoh” лойиҳаси “WikiStipendiya” марафонининг бир қисми, ҳолос. Бундан таш-қари, “WikiAyollar”, “WikiAudio”, “WikiTa’lim”, “WikiTarjimonlar” каби лойиҳалар ҳамда “Допзарб мавзу бўйича энг зўр мақола”, “Аёллар, уларнинг ҳуқуқлари ва жамиятдаги ўрни мавзусида энг яхши мақола”, “Спорт мавзусида энг яхши мақо-ла”, “Марафон юлдузи” каби оралиқ танловлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Ўзбекча Википедияда энди мақолаларнинг аудиоавариантларини ҳам топишингиз мум-кин. Яъни “WikiAudio” лойиҳаси доирасида имконияти чекланган фойдаланувчилар учун мақолалар овозлаштирилиб, жойланиб ке-линмоқда.

Ўзбекча Википедияда энди мақолаларнинг аудиоавариантларини ҳам топишингиз мум-кин. Яъни “WikiAudio” лойиҳаси доирасида имконияти чекланган фойдаланувчилар учун мақолалар овозлаштирилиб, жойланиб ке-линмоқда.

Бундай лойиҳаларнинг кўп бўлиши нафақат ўз-бек тилининг нуфузини оширишга, балки Ўзбекис-тонимизнинг номини дунёга янада кенг танитишга катта туртки бўлади!

Рушана ЗИЁДУЛЛАЕВА,
“WikiStipendiya” лойиҳаси
CMM мутахассиси

САЙЁҲЛИК

“Ёшлар туризми” қурултойи:

“БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШДИК!”

Қўхна ва навқирон Кеш. Пурвикор тоғлари, зилол сувлари, бетакрор табиати, ноёб тарихий обидалари ила ажралиб турадиган бу ҳудудни ҳар бир сайёҳ бир марта бўлса-да бориб кўришни орзу қилади. Албатта, ташриф буюрувчи буюк саркарда қурдирган Оксарой биноси каби тарихий обидаларга боқиб, ҳайратда қолиши шубҳасиз.

Бугун мамлакатимизда туризмни янада ривожлантириш борасидаги ҳаракатлар натижасида Шахрисабзга сайёҳлар оқими кенгаймоқда. Жумладан, тўрт кун давомида ўтказилган республика “Ёшлар туризми” қурултойи ҳам таваққул қилди. Кечки вақтда Оксарой мажмуасида тадбирнинг очилиш маросими ўтказилди. Унда Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий

Хусусан, мамлакатимиз туризм соҳасида дуч келинаётган муаммолар саҳнавий чиқишлар орқали намойиш этилиши кўпчилик эътирофига сазовор бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар Шахрисабз шаҳрининг маданий мерос объектларини, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилди. Кечки вақтда Оксарой мажмуасида тадбирнинг очилиш маросими ўтказилди. Унда Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий

ҳар бир ҳудуд жамоалари футбол, волейбол, шахмат, бадминтон баҳсларида иштирок этди. Шунингдек, миллий ўйинларимиздан ҳам беллашувлар ташкил этилди. Айни шу жараёнда ёшларнинг қадимий ўйинларимиз ҳақида қанчалик маълумотга эга экани, унинг тарихи ва қоидалари ҳақида билимлари синовдан ўтказилди. Иштирокчилар бу борада анчагина манбаларга эга эканини амалда исботлади.

акс эттириш, “Олтин остона” мавзусида ҳар бир ҳудуд имкониятларини намойиш этиш шартларида беллашди.

Қурултой иштирокчилари ўз яшаш ҳудудларидаги унутилиб бораётган қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни саҳнада намойиш этиши билан миллий меросимиз ёшлар қалбига қайта уйғонди, десак муболаға бўлмайди. Бунда бухороликларнинг “Саллабандон”, қорақалпоқ халқининг “Келин беточари”, Жиззахнинг “Ёмғир ёғдириш”, Сурхоннинг “Кампир толайми, дадажон” каби қадриятлари акс этган мусиқий чиқишлар орқали ёшлар маданий анъаналарни қайта жонлантиришга ҳаракат қилди. Шунингдек, танқидий руҳда тайёрланган баъзи саҳна кўринишлари бугунги кунда учраётган муаммоларни вазиятларини ҳам очиб берди. Жумладан, жойларда маданий мерос объекти ҳудудлари турли йўللار билан эгаллаб олинishi, реставрация вақтида кўринишига тушунмасдан зарар етказиб қўйилиши ҳамда ёшларнинг айнан зиёрат туризми вақтида турли ранг-бўёқлар билан тарихий обидаларга ёзиб кетиши каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилди.

Кейинги дастурларда юртимизнинг санъат ва спорт соҳасидаги машҳур инсонлари билан учрашувлар ташкил этилди.

Тадбирнинг кейинги кунинда Ўзбекистон Республикаси ёш туризм элчилари кенгаши иш режаси ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан ёшлар ўртасида туризм элчилигига даъвогар номзодлар сараланиб, суҳбат ва тест орқали билимлари синовдан ўтказилди. Шу вақтнинг ўзига кенгаш режасига кўра, бир йиллик бажариладиган ишлар тақсимот ҳам қилиб олинди. Шу асосда ҳар бир ҳудуддан сайланган туризм элчилари республика бўйлаб соҳага оид маълумотларни таҳлил қилиб боради.

Қурултой давомида турли тадбирлар орқали хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди. Ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга доир услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон туризми салохиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, янги сайёҳлик маҳсулотлари ва йўналишларини ўзлаштириш, ёшларда туризм маданиятини

шакллантириш, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари билан қурултой делегатлари учрашувини ташкил этиш, туризм элчилари халқро малака ошириш дастурларида қатнашиш юзасидан ҳамкорлик меморандумлари имзолаш каби бир қатор мақсадлар белгилаб олинди.

Куннинг иккинчи ярмида қурултойнинг ёпилиш маросими ташкил этилди. Кўнгилочар мусиқий дастурларга бой ўтган маросимда иштирокчилар ўртасида турли йўналишлар бўйича ғолиблар эълон қилинди.

Хусусан, якуний ҳулоса ва натижаларга кўра, “Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар” фестивалида Хоразм вилояти жамоаси биринчи ўрин, Фарғона вилояти вакиллари иккинчи, Наманган ёшлари учинчи ўринга муносиб кўрилди. “Заковат” интеллектуал ўйинида Қорақалпоғистон ёшлари тенгдошларини ортада қолдириб, ғолиб деб топилди. Кейинги ўринларга Навоий ҳамда Бухоро жамоалари ҳамда ёшларнинг айнан зиёрат туризми вақтида турли ранг-бўёқлар билан тарихий обидаларга ёзиб кетиши каби ҳолатлар кўрсатиб ўтилди. Кейинги дастурларда юртимизнинг санъат ва спорт соҳасидаги машҳур инсонлари билан учрашувлар ташкил этилди.

Тадбирнинг кейинги кунинда Ўзбекистон Республикаси ёш туризм элчилари кенгаши иш режаси ишлаб чиқилди. Шу муносабат билан ёшлар ўртасида туризм элчилигига даъвогар номзодлар сараланиб, суҳбат ва тест орқали билимлари синовдан ўтказилди. Шу вақтнинг ўзига кенгаш режасига кўра, бир йиллик бажариладиган ишлар тақсимот ҳам қилиб олинди. Шу асосда ҳар бир ҳудуддан сайланган туризм элчилари республика бўйлаб соҳага оид маълумотларни таҳлил қилиб боради.

Қурултой давомида турли тадбирлар орқали хизматлар сифатини яхшилашга қаратилган маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди. Ички ва ташқи туризмни ривожлантиришга доир услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш, Ўзбекистон туризми салохиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, янги сайёҳлик маҳсулотлари ва йўналишларини ўзлаштириш, ёшларда туризм маданиятини

Дилбар ЖУМАНИЁЗОВА, Қорақалпоғистон Республикаси делегати:

— “Ёшлар туризми” қурултойи жуда ажойиб таассуротларга бой ўтди. Тўрт кун давомида Шахрисабзнинг сўлим масканида бир мақсад йўлида бирлашдик. Тадбир жараёнида туризм соҳасини ривожлантириш, маданий мерос объектларини асраш ва тарғиб қилиш қанчалик муҳим эканини англадик. Шу мақсаддан келиб чиқиб, кўпгина режалар тузиб олдик. Жамоамиз билан “Энг намунали гуруҳ” ҳамда “Заковат” ўйинларида ғолибликни кўлга киритишимиз ўзгача кўтаринкилик бахш этди. Бу эса бизнинг соҳага бўлган қизиқишимизни янада оширди.

Қорақалпоғистонда ўзига хос тарихий обидалар, диққатга сазовор масканлар кўп. Фақатгина уларни тарғиб қилиб, кўрсата олишимиз зарурлигини қурултой давомида янада чуқур англаб олдик. Энди ҳар бир иштирокчи ўз лойиҳаларимиз билан соҳа ривожига ҳисса қўшишга интиламиз. Тадбир давомида ёшлардан туризм элчилари сайлаб олинди. Мен ҳам шулар қаторидаман. Билдирилган бу ишончни оқлаш учун астойдил ишлайман.

Азиза ҚОСИМОВА, Сурхондарё вилояти делегати:

— Қашқадарёнинг мафтункор манзилларида ўтказилган қурултой барчамиз учун эсда қоларли бўлди. Барча қатори биз ҳам ўз лойиҳамиз билан иштирок этиб, мутахассислар фикрини олдик. Сурхондарё — алломалар юрти. Хадис илми даргаларидан бўлган Абу Исо Мухаммад ат-Термизий бобомизнинг ибратлари доимо биз учун маънавият чироғи вазифасини ўтаб келган. Шу боис, лойиҳамизда, асосан, бобомиз ҳаёти ва ижодини мактаб дарсликларига киритиш тақдифи билдирилган. Шунингдек, мактабга таълим ташкилотларида болаларга маданий меросларимиз ҳақида тушунча бериб боришни кўзда тутганмиз. Тадбир давомида соҳа мутахассислари ўз тақлифларини билдириб, бизга юқори баҳо берди. Бу эса соҳани ривожлантиришга бўлган қизиқишимизни янада оширди.

Қурултой давомида кўплаб дўстлар орттирдик. Мамлакатимизни дунёга тарғиб қилиш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш борасидаги тажрибаларимиз билан доимо ўртоқлашиб боришга келишиб олдик.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Сўз – қурултой иштирокчиларига

Азиз АБДУҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазирининг ўринбосари:

— Бугунги кунда юртимизда ёшларга оид давлат сиёсати амалдаги ислохотларимизнинг асосий йўналишларидан биридир. Яқиндагина давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам иқтидорли ёшларга янада кенг имкониятлар берилди. Жумладан, ёш мутахассисларни танлаш дастури доирасида битирувчи курслардаги қўбиятли талабалар сараланиб, вазирлик ва ҳокимлик тизимида амалиёт ўташи ва ўқишни таъминлаш, ишга қабул қилиниши белгиланди. Бунинг натижасида “Маҳалладан республикага” тамойили асосида кадрларни шакллантириш тизими яратилди.

Ўйлаيمанки, ташкил этилган қурултой ҳам ёшларни саралаш, уларнинг туризмни ривожлантиришга оид лойиҳаларини қўлаб-қувватлаш орқали малакали мутахассислар тайёрлаш, ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини

диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан “Ёшлар туризми” қурултойини ўтказиш бўйича алоҳида йўналишлар белгилаб берилган. Июль ойида ўтказилган “Ёшлар туризми” ойлгида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури асосида 200 мингга яқин ёшнинг ички туризм саёҳатлари ташкил этилди.

Қадим Шахрисабзнинг “Лочин” болалар соғломлаштириш оромгоҳида тўрт кун давомида ўтказилган китоб-хонлик, маҳорат дарслари, миллий ва этносспорт турлари бўйича мусобақалар, гала-концерт ва бошқа тадбирлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган ёшларнинг дўстона муҳитда яшаб, янги лойиҳалар устида фикр алмашишга замин ҳозирлади.

Тадбир давомида республика миқёсида Ёшлар туризми кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, ҳудудлар кесимида кенгашнинг туризм элчилари



сайланди. Элчилар келгусида ёшларнинг туризм соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш, соҳага оид стартаплар ишлаб чиқиш, бу орқали жойларда янги иш ўринларини ташкил қилишга ҳисса қўшади.

Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш, соҳага ёшларни кенг жалб қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали пировард натижада халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга қаратилган тизимли ишларимиз ёшлар билан ҳамжиҳатликда давом эттириш асосий мақсад қилинган.

Ирода МАҲМАТҚУЛОВА, Самарқанд вилояти делегати:

— Қўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ўзига хос тарихий шаҳар. Шу боис, азалдан сайёҳларни ўзига жалб этиб келади. Вилоятимизда бугун ички ва ташқи туризм яхши йўлга қўйилган. Аммо ҳали қилиниши керак бўлган ишларимиз жуда кўплигини “Ёшлар туризми” қурултойида англадик. Айниқса, биз, ёшлар соҳа ривожини учун ўз билимимизни, ҳаракатимизни оширишимиз лозим экан. Жамоамиз вакили Меҳрож Исаевнинг лойиҳаси биринчи ўринга муносиб кўрилиши қувонарли бўлди. Ўттиз миллион сўм пул муқофоти билан тақдирланиши эса келгусида бундай лойиҳаларни кўпроқ ишлаб чиқишга ундайди.

“Миллий либослар” намоишида ўзимизнинг азалий кийимларимиз билан чиқиш қилиб, эътирофга сазовор бўлдик. Шунингдек, Самарқанднинг дунёга машҳур нони тайёрланиш жараёни ҳақида ҳам маълумот бердик. Бу тенгдошларимизда катта қизиқиш уйғотди. Албатта, бундай тадбирларнинг ташкил этилиши туризм соҳаси янада ривож топишига, ёшлар ўртасида ҳамкорлик ошишига хизмат қилади. Ўйлаيمанки, қурултой мунтазам равишда ўтказиб борилса, соҳада катта ўзгаришларга олиб келади.

Табассум ЭШМУРОВА, Жиззах вилояти делегати:

— Вилоятимиз ҳақида сўз кетганда, киши ҳаёлига дарров Баҳмал олмаси Зоминнинг бетакрор табиати, пурвикор тоғлари келади. Албатта, ўзига хос тарихий жойлар, урф-одатлар, унутилмас халқ оғзаки ижодиёти ағамиз.

Қурултой давомида вилоятимизнинг диққатга сазовор жойларини акс эттиришга интилдик. Айнан ёшлар ўртасида туризм қурултойи ўтказилиши муҳим эканини тадбир давомида янада теранроқ тушундик. Ҳали юртимизнинг тарихи ҳақида билимимизни анчагина ошириш кераклигини ҳис қилдик. Албатта, юртни мадҳ этиш учун, аввало, уни яхши англаш лозим. Ўтказилган қурултой бизга бу йўлда бир воқеа бўлди.

Тадбир давомида тенгдошларимизнинг турли чиқишлари орқали қанчалик бой тарихга эга эканимизга гувоҳ бўлдик. Олган билим, малака ва ҳулосаларимизга кўра, келгусида туризм элчиси сифатида вилоятимизда соҳани кенг тарғиб қилишга бел боғладик.

Мардона РАСУЛОВА, Фарғона вилояти делегати:

— Фарғона вилояти мамлакатимизнинг қадимий маданият ўқоқларидан бири. Тош даври манзиллохлари ва қоятошларга солинган суратлар водийда одамлар энг қадимги даврлардан буюн яшаб келганидан дарак беради. Шунингдек, Риштон қулоллари ва Олтиариқ миришкорлари ҳақида эшитмаган киши бўлмаса керак.

Қурултой давомида Фарғонанинг ўзига хос маданияти, тарихи, қадимий анъаналарини акс эттиришга ҳаракат қилдик. Шунингдек, Марғилон адреси тарихи ҳақида маълумотлар бердик. Энг асосийси, тадбир давомида бошқа ҳудудлар тарихи, маданий мероси ҳақида маълумотга эга бўлдик. Қизиқарли чиқишлар, “Заковат” ўйинлари ва кўргазмалар орқали соҳага оид тажрибамиз ошди. Туризмни ривожлантириш борасидаги кўпгина маълумотлар олдик. Шу баҳонада кўхна Кешини ҳам томоша қилиб, гўзал табиатидан баҳраманд бўлдик.

Диёрбек ТЎХТАЕВ, Навоий вилояти делегати:

— Қурултой давомида юртимиз тарихий-маданий меросга, гўзал табиат ва қадриятларга нақадар бой эканини яна бир бор англадик. Тенгдошларимиз тадбирлар давомида ўз ҳудудлари қадриятларини, урф-одатларини ҳамда тарихий обидаларини турли саҳнавий кўринишлар орқали намойиш этди. Биз ҳам аждодларимиздан етиб келган маданий мерос объектларимизни асрашга қаратилган лойиҳа билан иштирок этдик. Бу мутахассислар эътиборини тортиб, келгусида лойиҳамизни янада кенгроқ ишлаб чиқиб, амалда татбиқ этишга келишиб олдик.

Юртимизнинг деярли барча ҳудудидида ўзига хос тарихий мерос мавжуд. Аммо уларни асраб-авайлаш, авлодларга бус-бутун етказиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Бунинг учун, албатта, ёшлар ўртасида мана шундай туризм тадбирлари кўпроқ ўтказиб борилиши яхши самара беради. Шунингдек, туризм маданиятини шакллантиришга ҳам катта ҳисса қўиши аниқ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРАК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-864.
81651 нускада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРАК” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-й.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асқоров
Мусаххих: Умар Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 01:30 Топширилди — 02:10

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz